

“ТАСДИКЛАНГАН”
“Наврўз дехқон бозори” АЖ
Акциядорларининг
2022 йил 3 июнда утказилган
умумий йиғилишида
Кузатув кенгаши мажлис раиси
_____ С.С.Саидазимов



**“Наврўз дехқон бозори” АЖнинг 2022
йилга режалаштирган**

БИЗНЕС РЕЖАСИ

2021 йил Тошкент шаҳри

"Наврўз деҳқон бозори" Акциядорлик жамиятининг 2022 йил учун

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

1. Жамият туғрисида маълумот.

"Наврўз деҳқон бозори" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 июндаги ПО-1164-сонли фармонида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 15 июндаги 221-сонли ва Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Хокимининг 1996 йил 06 майдаги №668/1-хк-сонли қарорларига мувофиқ ташкил топган.

Манзили: Тошкент шаҳар-100002, Мирзо Улугбек тумани, Гулсанам ва Буюк ипак йўли кесишуви.

Жамиятнинг асосий фаолияти: Аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш.

Жамият таркибида 7 та шахобча бор: "Асосий бозор", "Қора-Су," "Наврўз", "Ялонгоч", "Бўз", "Авайхон", "Улугбек".

"Наврўз деҳқон бозори" акциядорлик жамияти ҳозирги кунда 35 157 квм ер майдонига эга.

"Наврўз деҳқон бозори" акциядорлик жамиятда 1549 савдо уринлари бор бўлиб, Шундан:

"Асосий бозор" шахобчасида-704 савдо ўрни; "Кора-су" шахобчасида-100 савдо ўрни;

"Наврўз" шахобчасида-188 савдо ўрни; "Ялонгоч" шахобчасида-238 савдо ўрни; "Бўз"

шаҳобчасида-276 савдо ўрни; "Авайхон" шахобчасида-38 савдо ўрни; "Улугбек"

шаҳобчасида- 5 савдо ўрни;

Жамиятда ҳозирги кунда 51 нафар ишчи ходим меҳнат қилиб келмоқда.

Жамият таркибидаги шахобчалар Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани буйлаб жойлашган бўлиб, бошқа бозорлардан фарқи бозорга кириш учун фойдаланилмайди.

Бозорлар шаҳарнинг Мирзо Улугбек тумани аҳолисига ҳамда Тошкент шаҳарига ташриф буюрган Тошкент вилояти аҳолисига хизмат кўрсатади.

Жамиятда бозорларга кириб келаётган озиқ-овқат, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини лаборатория кўригидан ўтказиш учун лаборатория, Давлат солиқ инспекцияси мавжуд.

Жамият шаҳримиздаги меҳрибонлик уйларига ва ҳар-ҳил жамиятларга мурувват ёрдамлари кўрсатиб келмоқда.

2. Жамиятнинг иш фаолияти.

-Аҳолига савдо ва хизмат кўрсатиш;

-Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ташқи иқтисодий фаолият кўрсатиш;

-Тижорат-коммерция дорихона, савдо-ҳарид корхоналари, умумий овқатланиш шахобчаларини очиш;

-Умумий овқатланиш соҳасида хизмат турларини кўпайтириш, ресторан, кафе, барлар очиш, миллий ва европа таомларини тайёрлаб сотиш, салқин ичимликлар, қандолат, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш;

-Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарор талабларини бажариш борасида бозор ҳудудлари янги гўшт ва балиқ павильонларини таъмирлаш;

3. Муассислар.

-Тошкент шаҳар Ҳокимияти- 625 500 минг сўм-96,23% акциялар эгаси.

4. Жамиятнинг низом фонди.

"Наврӯз дехкон бозори" акциядорлик жамияти Низом фонди 650 000 дона акция ёки 650 000 000 сўмни ташкил этади. Номинал 1 000 сўм.

Шундан:

-Тошкент шаҳар Ҳокимияти- 625 500 000 сўм – 96,23%;

-Эркин савдо - 24 500 000 сўм – 3,77%.

5. Акциядорлик жамиятининг бошқарув ва ижро тузилмаси.

Юқори бошқарув органи акциядорларнинг Умумий мажлиси бўлиб, унинг ваколатига:

-Жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

-Жамиятни қайта ташкил этиш;

-Жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

-Жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, ўнинг аъзоларини сайлаш ва ўларнинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатиш;

-Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

-Жамиятнинг устав низомини кўпайтириш;

-Жамиятининг устав низомини камайтириш;

-Ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

-Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

-Жамиятнинг аудиторни тасдиқлаш;

-Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш;

-Акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида;

-Акцияларни майдалаш ва йириклаштириш.

6. Асосий ҳуқуқий -меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасининг "Бир марталик жой ҳақларини ўндириш ҳақида" ги 1992 йил қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг "Пагта туғрисида"ги 1993 йил 9 декабрдаги 407-сонли қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида 1996 йил 26 апрел 223-1-сонли қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш туғрисида" ги 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори;

"Юридик ва жисмоний шахсларни қайта руйхатдан ўтказишни ҳамда ўлар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари туғрисида"ги 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарори;

"Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хусусий секторнинг аҳамияти ва улушини тўбдан ошириш чора-тадбирлари туғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 28 январдаги 3202-Фармони;

"Тижорат фаолияти учун мулжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари туғрисида"ги 2004 йил 12 августдаги 387-сонли қарори;

"Тижорат фаолияти учун мулжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яққа тартибдаги тадбиркорларни давлат руйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва

импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби туғрисида" ги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли коғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида"ги 2006 йил 27 сентябрдаги қарори;

**“ Наврӯз деҳқон бозори” АЖ ни нг 2022 йилучун даромадлар
ва ҳаражатлар сметаси:**

№	Кўрсаткичлар	1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак	Жами йиллик
	Жами даромадлар	2 094 000	2 178 000	2 178 000	2 094 000	8 544 000
1	Жой ҳаққи	270 000	285 210	285 210	270 000	1 110 420
2	Ижара ҳақи	1 410 000	1 457 610	1 457 610	1 410 000	5 735 220
3	Инфра тузилма тушими	57 000	57 000	57 000	57 000	228 000
4	Жами пуллик хизматлар	297 000	315 180	315 180	297 000	1 224 360
4.1	Арава хизмати	32 550	34 500	34 500	32 550	134 100
4.2	Тарози хизмати	17 850	18 780	18 780	17 850	73 260
4.3	Коровуллик хизмати	27 300	31 200	31 200	27 300	117 000
4.4	Хожатхона хизмати	69 000	74 100	74 100	69 000	286 200
4.5	Автостоянка	150 300	156 600	156 600	150 300	613 800
5	Бошқа даромадлар	60 000	63 000	63 000	60 000	246 000
6	Жами бюджет солиглари	586 904	612 470	611 870	586 304	2 397 548
6.1	ҚҚС 15%	273 130	284 087	284 087	273 130	1 114 435
6.2	12 % ижтимоий солиқ	82 800	82 800	82 800	82 800	331 200
6.3	Мол мулк солиғи	72 042	72 042	72 042	72 042	288 168
6.4	Ер солиғи	75 510	75 510	75 510	75 510	302 040
6.5	Сув рес фойдаланганлиғи	2 148	2 148	2 148	2 148	8 592
6.6	Фойда солиғи	81 274	95 883	95 283	80 674	353 113
7	Жами соф тушум	1 820 870	1 893 913	1 893 913	1 820 870	7 429 565
8	Давр хажатлари	1 414 500	1 414 500	1 417 500	1 417 500	5 664 000
8.1	Иш ҳақи	690 000	690 000	690 000	690 000	2 760 000
8.2	12 % ижтимоий солиқ	82 800	82 800	82 800	82 800	331 200
8.3	Сув ва канализация	24 000	24 000	24 000	24 000	96 000
8.4	Электр қуввати	105 000	105 000	105 000	105 000	420 000
8.5	Дизинфекция харажати	19 500	19 500	19 500	19 500	78 000
8.6	Махсустранс	46 500	46 500	46 500	46 500	186 000
8.7	Транспорт харажати	9 000	9 000	9 000	9 000	36 000
8.8	Телефон интернет	6 000	6 000	6 000	6 000	24 000
8.9	ИИБ хизмати	69 000	69 000	72 000	72 000	282 000
8.10	Асосий восита эскириши	135 000	135 000	135 000	135 000	540 000
8.11	Банк фоизи	3 000	3 000	3 000	3 000	12 000
8.12	Бошқа харажатлар	75 000	75 000	75 000	75 000	300 000
9	Жами харажатлар	1 414 500	1 414 500	1 417 500	1 417 500	5 664 000
10	Фойда солиғини тулагунга қадар фойда	406 370	479 413	476 413	403 370	1 765 565
11	Фойда солиғи	81 274	95 883	95 283	80 674	353 113
	Соф фойда	325 096	383 530	381 130	322 696	1 412 452
	Рентабеллик даражаси	15,5	17,6	17,5	15,4	16,5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иктисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари туғрисида"ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида"ги 2010 йил 26 апрелдаги ПК-1326-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори.

Жамиятимиз 2022 йил молиявий - хўжалик фаолияти учун **1 412 452,0** минг сўм соф фойда режалаштирмоқда.

Бош бухгалтер



Х.Ж.Олимов